



ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИДА ХУҚУҚИЙ ОНГ ВА ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ АҲАМИЯТИ

**Жеткерев Диёрбек
Оралбай ўғли**

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги Академияси курсанти**

Annotatsiya

Ушбу мақолада давлат ва жамиятни бошқарувида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ўрни, аҳамияти, ўзига хослиги ва амалга оширилувчи асосий йўналишлари ҳақида фикр ва мулоҳазалар келтирилган.

Kalit soʻzlar:

Давлат, жамият, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият,

Давлат ва жамиятни бошқарувида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси жиноятларни олдини олиш ва уларни профилактикасини амалга оширишда бунинг бир услуби ҳисобланади. Давлатда қай даражада тинчлик ҳуқум сурса, давлат эса шу даражада қудратли бўлади. Давлат нотинч бўлса, унда яшовчи халқнинг ҳуқуқий онг ва маданияти паст, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолати ҳам нихоятда юқори бўлса, бундай давлатда ҳеч қандай ривожланиш ва аҳолисининг турмуш тарзини яхшиланиши каби ҳолатлар умуман кузатилмайди. Бизнинг давлатимизда ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, тинчлик ва фаровонликни сақлаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига юклатилган. Жумладан, Ички ишлар органларнинг асосий вазифалари “Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасидан иборат” бўлиб, ушбу вазифаларни амалга ошириш давомида бошқа орган ва давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширади ва давлат бошқарувини тўғридан-тўғри амалга оширади.

Давлат ва жамият бошқарувида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг аҳамияти тушунчаси бу - ваколатли органлар томонидан давлат ва жамият бошқарувида ҳамда унда ўрнатилган қонун қоидаларга бир хилда амал қилинишини таъминлаш. Унга зид ҳаракат қилиб, фуқаролар ва жамиятнинг манфаатларига қарши муносабат билдирувчиларга

турли хилдаги профилактика чора-тадбирларни қўллашдан иборат фаолиятдир. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақидаги таълимотлар — бу ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни бартараф қилишга қаратилган ғоялар, фикрлар, қарашлар ва нуқтаи назарлар мажмуи ҳисобланади. **Давлат** - жамиятнинг олий сиёсий институти бўлиб, шу жамият яшаётган мамлакат фуқаролари манфаатини ҳимоя қилиш учун ўрнатилади. Давлат мамлакат чегараларини ҳимоя қилади, бошқа мамлакатлар билан алоқада бўлади, қонунчилик билан шуғулланади. **Жамият** - кишиларнинг тарихан қарор топган ҳамкорлик фаолиятлари мажмуи. Жамиятдаги ҳамма нарса моддий ва маънавий бойликлар, инсонлар ҳаёти учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш ва бошқалар муайян фаолият жараёнида амалга ошади. Ўзбекистон Республикаси «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси» тўғрисидаги қонуннинг 3-моддасида қуйидагича таъриф берилган. Ҳуқуқбузарлик - содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик). Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси — ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими. Ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислохотлар жараёнига назар ташласак, профилактика хизмати фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Ҳозирги кунда республикаимиз ҳаётида муҳим ўзгаришлар юз бераётган бир пайтда профилактика хизмати фаолиятини такомиллаштириш, уни ташкил этишга янгича ёндашиш давр талабига айланиб бормоқда ва бунга мухтарам Президентимиз Ш. Мирзиёев бошчилигида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда коррупция жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳалари билан узвий бўлган энг хавфли ва мураккаб ҳодисадир. «Тамагирлик, тўрачилик, порахўрлик, кибр-ҳаво, коррупция ниҳоятда юқумли ва хавфли касалликдир. Ўз вақтида унинг олди олинмаса, бу маразликлар бутун жамият танасига ёйилиши ва уни ҳалок қилиши мумкин. Бу иллат, аввало, шу касалга мубтало бўлган одамнинг ўзини еб ишдан чиқаради. Унинг иймонини, охиратини хонавайрон қилади. Сўнгра, бошқа инсонларни, аста-секин бутун жамиятни емиришга ўтади».

Юқоридаги криминоген хусусиятга эга бўлган омиллар, биринчидан, жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, тинчлик ва осойишталикни, жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини барқарор таъминлаш, иккинчидан, аҳолини, айниқса унинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояга муҳтож қисмини турли хил кўринишдаги таҳдид ва тажовузлардан ҳимоя қилиш, учинчидан, ғайриижтимоий хулқ- атворга эга бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ва ундан жабрланганларни ижтимоий мослашуви ва ижтимоий реабилитациясини самарали ташкил этиш истиқболда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси миллий тизими имкониятларининг тўлиқ ва мукамал ишлашига хизмат қиладиган

комплекс чора-тадбирларни тизимли равишда мунтазам амалга оширишни тақозо қилади. Халқ билан ички ишлар органларини янада яқинлаштириш ва шу борада замонавий техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда ички ишлар органлари томонидан қилинаётган ишлар ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш содир этилаётган жиноятлар тўғрисида халққа етказиш мақсадида “Smart Mahalla” ахборот тизими йўлга қўйилди. Бу тизим орқали маҳаллаларда содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлардан бевосита хабардор бўлиши мумкин. Маъмурий ҳудудда хизмат олиб борувчи Профилактика инспекторлари томонидан юритиладиган профилак ҳисобда турувчи шахсларнинг ҳисоб ҳужжатлари ва рўйхати ҳам ендиликда электрон тарзда юритилиши белгилаб қўйилди. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳуқуқий-маърифий тадбирлар ва учрашувларни кенгайтириш, халқимиз тарихи, дини, миллий қадриятларини ёш авлод онгида шакллантириш орқали ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш каби долзарб вазифалар турган бир пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли Фармонининг қабул қилиниши айни муддаодир. Мазкур Фармонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар кўрсатиб ўтилган. Жумладан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаётганлиги, узоқ йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмаганлигини, ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмаганлиги ҳамда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини аҳоли онгига сингдириш ишларининг етарли олиб борилмаслиги ҳам қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатаётганлиги айтиб ўтилган.

Жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва шу орқали жамоат тартиби ҳамда жамият хавфсизлигини таъминлаш ҳар бир давлат, жамият бошқарувида, ижтимоий сиёсатида олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, давлатдаги мавжуд барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ҳуқуқ-тартибот органларининг ҳар бири маълум бир масъулиятли вазифани бажарадилар. Энг муҳими, ҳар бир масъул органнинг бажараётган вазифаси умумий мақсад сари йўналтирилган бўлади. Ички ишлар органларининг профилактика фаолияти кенг маънодаги умумий тушунча бўлиб, улар амалга оширадиган барча чора-тадбирлар биринчи галда жиноят содир бўлмаслигини таъминлашга қаратилган. Содир этилган жиноятларни ўз вақтида

очиш ва айбдорларни тегишли жазога тортилишини таъминлаш ҳамда жазонинг муқаррарлиги сифатида профилактика ишларини олиб бориш ушбу фаолият йўналишини белгилаб беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги 2016 йил 16 сентябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т. 2016;

2. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2014;

3. “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг маъсулятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5005 сон фармони - 2021;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли Фармонини;

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // Халқ сўзи. – 2017.